

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**500 Барит хом ашё базасини кенгайтириш ва барит концентрати ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида**

Баритнинг мавжуд конларини фойдаланишга жалб этиш ва унинг янги конларини саноат асосида ўзлаштиришга тайёрлаш ҳисобига барит хом ашё базасини янада кенгайтириш ҳамда шу асосда барит концентрати ишлаб чиқаришни кўпайтириш, республика нефть-газ тармоғи учун унинг импорт ўрнини босишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2010 — 2014 йилларда Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларида барит рудаларини тажриба-саноат асосида қазиб олган ва 2014 йилдан бошлаб Ангрен шаҳрида ҳар йили 15,0 минг тоннагача барит концентрати ишлаб чиқаришни ташкил этган ҳолда геология-қидирув ишларини амалга ошириш тўғрисидаги;

Олмалиқ шаҳрида 2010 йилдан бошлаб Сарибулоқ ва Қўшработ конларида қазиб олинаётган барит рудалари негизида ҳар йили 15,0 минг тоннагача барит концентрати ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларидаги геология-қидирув ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Сарибулоқ конида барит рудаларини қазиб олиш ва Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларида тажриба-саноат асосида қазиб олиш ҳамда барит концентрати ишлаб чиқариш «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2010 — 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг геология-қидирув ишлари ҳар йиллик дастурларини шакллантиришда, ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, барит рудалари захираларини белгиланган тартибда тасдиқлаган ҳолда, истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини амалга оширишга маблағларни назарда тутсинлар.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли корхоналарига Орайлиқ, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия,

Гулдурамнинг истиқболли майдонларида геология-қидирув ишларини амалга оширишга, аниқланган барит конларини қазиб олиш учун ер участкалари ажратиш кафолати билан рухсатномалар берсин;

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг илтимосномасига биноан, Сарибулоқ конида барит рудаларини қазиб олиш ва Орайлик, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия, Гулдурамнинг истиқболли майдонларида барит рудаларини тажриба-саноат асосида қазиб олиш, шунингдек Олмалик ва Ангрен шаҳарларида барит концентрати ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун жалб этилган юридик шахсларга ер участкалари ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тақдимномасига биноан Сарибулоқ конида барит рудаларини қазиб олиш, шунингдек Орайлик, Агата, Кичик Арсаган, Қорақия ва Гулдурамнинг истиқболли майдонларида барит рудаларини тажриба-саноат асосида қазиб олиш учун жалб этилган юридик шахсларга ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига белгиланган тартибда лицензиялар берсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 ноябрь,
296-сон